— Барча ўзбекистонликларни ушбу кутлуг байрам билан табриқлайман, уларга энг эзу тилакларини йўлайман, бошлари узра доимо тинч осмон ҳукмор бўлишини истайман. Мен Ўзбекистонда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар хотирасига чуқур ҳурмат баҳо келтирилишини, буюқ Галабага эришилган кун кенг нишонланишини яхши билар эдим. Лекин бугунги воқеалар мени катта ҳаяжонга ва ҳайратга солди. Бу самимий бирдамлик ва яқдиллик туйғуларини намойён этди. Оддий инсонлар ҳам, мамлакат раҳбарияти ҳам машум уруш ҳақидаги хотира муқаддас бўлмоғи кераклиги борасида ҳамдамдир. Бу чин маънода халқ байрамидир ва мазкур тантаналар бизнинг нақадар яқинлигимизни яна бир бор кўрсатмоқда. Чунки Галаба ҳамма учун биттадир.

гига ҳурмат билдириб, бугун биз уруш фронтларида халок бўлганлар хотирасини ва ўша оғир пайтларни ёд этиб, гулчамбар қўйиш маросимида қатнашдик.

Европа урушдан кейин қайта шаклланди, Италия ҳам фашизмдан озод бўлиб, демократик ва фаровон мамлакатга айланди. Биз ҳам тарихдаги ушбу лаҳза — озодлик кунини хотирлаймиз, уни ҳар доим ҳурмат билан эслашимиз ва унутмаслигимиз керак. Мен бугун Ўзбекистон халқини, айниқса, бугун ораимизда умргузаронлик қилаётган уруш ветеранларини ушбу байрам билан табриқлайман. Биз бугунги озод ҳаёт учун жонини фидо қилганларни доимо эсда тутамиз.

Маниш Прабхат, Хиндистон элчиси:



— Аввало, мен бугун Ўзбекистон халқини инсоният тарихидаги бугунги муҳим сана билан табриқлайман ва фашизм устидан қозонилган буюқ Галабага қўшган муносиб ҳиссаси учун миннатдорлигимизни билдираман. Биз бугунги кунни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галаба билан боғлиқ катта байрам сифатида нишонлаймиз. Шунини таъкидлаш керакики, дунёдаги тинчлик барча одамлар учун жуда муҳимдир. Уруш ҳар доим азоб ва ҳалокат келтирган. Шунинг учун буюқ халқлар тараққийёт ва фаровонлик йўлида бирлашиши керак, деб ҳисоблайман. Шу маънода, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил сиёсат юритиб, жумладан, "Хиндистон — Марказий Осиё" мулоқоти, ШХТ ва бошқа тузилмалар имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

«Дунё» АА.

ЎҲУРМАТ ВА ЭЎТИРОМ ИФОДАСИ

Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни ўзгача, аниқроғи, миллий хусусият касб этади.

У халқ хотираси ва инсонни қадрлаш куни сифатида ҳар бимимизга қадрли.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари 9 май куни пойтэхтиимиздаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйди. Тинчлик учун, авлодлар келажиги учун жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтирилди. Бугунги ёруғ кунлар учун фидо бўлган инсонлар ёд этилди.

— Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида халок бўлганлар шўро сиёсатининг беғуноҳ қурбонлари сифатида эсланди, умуман, ўтганлар руҳи ёдга олинди, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдига ҳурмат баҳо келтирилди.

АЖДОДЛАР МАТОНАТИ — ИБРАТ

Халқимизнинг яхши аънъана ва одатлари кўп. Буни Ватанимиз равақли йўлида фидойиллик қилган инсонларни, агар бу оламдан ўзга бўлса, уларни яхши сўз ҳамда дуолар билан ёд этиш, ҳаёт бўлса, ҳолидан хабар олиш, ҳурматини жойига қўйиш ишлари йилдан-йилга кенг қулоч ёзиб бораётгани мисолида ҳам кўриш қийин эмас.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан пойтэхтиимизнинг Олмасор туманида бўнёд этилган Галаба боғи бунинг ёрқин исботидир. Негаки, ушбу боғда халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, умуман, тинчликка бўлган муносибати яққол ифодаланган бўлиб, бу ҳар қандай инсонни ўйлашга ундайди.

Кеча шу боғда давлатимиз раҳбари иштирокида тантанали маросим ташкил этилди. Ана шу тадбир иштирокчиси сифатида кўнгилдан турли ўй-фикр ўтди. Аввало, уруш даҳшатлари ва унинг инсониятга келтирган зарари ҳақида мулоҳаза юритдим.

Ўртбошимиз айтганидек, Иккинчи жаҳон урушида дунё аҳолисининг 80 фоизи қатнашган, урушга 110 миллион киши сафарбар этилган, шундан 60 миллион халок бўлган. Бу, ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай кишини ларзага соладиган рақамлардир. Агар ушбу рақамларни янада чуқурроқ талқин этадиган бўлсак, талафот қўламини янада кенгайтириш тайин.

Ўртбошимиз айтганидек, Иккинчи жаҳон урушида дунё аҳолисининг 80 фоизи қатнашган, урушга 110 миллион киши сафарбар этилган, шундан 60 миллион халок бўлган. Бу, ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай кишини ларзага соладиган рақамлардир. Агар ушбу рақамларни янада чуқурроқ талқин этадиган бўлсак, талафот қўламини янада кенгайтириш тайин.

ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

Мазкур китоб "Ўзбекистон наشريёти" давлат корхонаси томонидан Фанлар академияси хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ ҳамда бир қатор назарий ва идоралар билан ҳамкорликда халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган галабага қўшган муносиб ҳиссасини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, унга доир янги ҳужжатлар билан таништириш мақсадида чоп қилинди.

Тўплам "Галаба боғи — Хотира ва қадр маскани", "Мангу жасорат" монументи", "Шон-шараф" давлат музейи", "Халқимизнинг жасорати ва матонатини ҳақида хикоя қилувчи янги асарлар", "Янги архив ҳужжатлари", "Аскар хатлари", "Унутмас сизларни Ватан" каби бир қатор бўлимлардан иборат.

— Россияда Иккинчи жаҳон урушига доир 11 миллиондан ортиқ ҳужжатлар сақланди, бу ҳужжатларнинг бир миллиондан зиёди Ўзбекистон билан боғлиқ, — дейди мазкур китоб-альбомни тузувчи муаллифлардан бири, тарих фанлари доктори Мирзоҳид Раҳимов. — Аммо уларнинг бир қисми оммага эълон қилинмаган, яъни 100 йилгача ошқор этиш тақиқланган. Мазкур тўпламга хали кенг жамоатчиликка номаълум бўлган баъзи маълумотларни ҳам кириптик. Китоб Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистондаги ҳаёт, фронт ва фронт ортида фидокорона хизмат қилган юртдошларимизнинг қадрига бағишланган. Тўпلامнинг "Янги архив ҳужжатлари" бўлимига киририлган ҳужжатлар халқимизнинг хотира хазинасига янги бойлик ўлароқ қўшилди.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 76 йиллиги муносабати билан чоп қилинган китоб-альбомнинг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга аҳамияти беқиёсдир.

ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

Муҳоваси қизил матодан эди. Китоб қалинлиги уч сантиметрдан кам эмасди. Айтмоқчи, отдам насихатларига амал қилиб кам бўлмади. Еттовимиз ҳам илму хунар ордидан эл-юртда ҳурмат-эътибор қозондик. Ҳар сафар китоб varaқлаганимда кўз олдимда отам гавдаланади. У киши тепамда туриб, дуога қўл олиб тургандай туюлади. Шундай отанинг фарзанди эканимдан фахрланаман.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

ВАТАН ҚАҲРАМОНЛАРИНИ УНУТМАЙДИ

...Бу ёруғ дунёда улуг бир ҳақиқат борки, у ҳеч қачон ўзгармайди, ҳеч қачон эскирмайди. Яъни, Ватан ва халқ озодлиги, келгуси авлодларнинг бахту саодати йўлида мардлик ва жасорат қўрсатган инсонлар хотираси ҳаммиса барҳайёт яшайди. Шу боис биз учун уруш ва меҳнат фахрийларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, ўтганларнинг хотирасини абадийлаштириш доимо муқаддас вазифа бўлиб қолади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали тадбирда айтган бу сўзлари жонажон Ватанимизнинг ҳар томонлама раванк топиши, бугунги тинч ҳаётда осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимиз муқаддас хотирасини ёд айлб, эзгу ишларини давом эттириш ҳар бимимизнинг бурчимиз эканини яна бир бор тасдиқлади.

Дарҳақиқат, эл фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлида заҳмат чеккан инсоннинг қадри ҳаммиса баланд бўлган. Эзгулик учун қилинган меҳнат доим рағбат ва эътибор топган. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги сўзлари ҳамда "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ана шу тўшунчанинг, гоёнинг амалдаги ифодасидир.

Барчамизга аёнки, Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб одамларнинг ёстигини қуритди. Ортда қолган аёллар ва болалар туну кун меҳнат қилиб, топган-тутилганларни фронтга жўнади. Уларнинг матонати, сабр-бардоши, қўрсатган қадрига барҳайёт яшайди. Шу боис биз учун уруш ва меҳнат фахрийларининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, ўтганларнинг хотирасини абадийлаштириш доимо муқаддас вазифа бўлиб қолади.

Шаҳноза ХОЛМАҲМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

102 ёшли Самандар бобо Худойберганов: ҲАЁТ ГЎЗАЛ, УМР ҒАНИМАТ

Хива туманидаги Сайёт қишлоғида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Самандар бобо Худойберганов бу йил 102 баҳорни қарши олди. Пиру давлат отаон 50 дан зиёд неварачеваралар ардоғида умргузаронлик қилаётир. 1939 йилда ҳарбий хизматга қабул қилинган Самандар Худойберганов йилгиллик бурчини ўтаб бўлишига оз фурсат қолганда уруш бошланди. Фронтнинг оловли жаҳлаолида, аёвсиз жангларда иштирок этди: Киев, Николаев, Ростов, Харьков, Днепрпетровск, Гомель, Брест шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод қилишда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатди. Шиддатли жанглардан бирида оғир ярдор бўлган Самандарни санитарлар халок бўлган деб ўйлаб, ҳужжатларини олиб кетади, қўмондонлик унинг уйига қоракат юборади...

1945 йил апрель ойи. Ҳарбий кучларимиз Германия пойтахти Берлинга кириб борди. Аскарларимиз таркибиде кучли шифокорлар жамоасидан иборат "Енгилмас полк" ҳам бор эди.

БАҒРИКЕНГЛИК

Бу шифокорларнинг вазифаси ярдор бўлган аскарларни даволаш, керак бўлса, оғир жароҳлик операцияларини бажаришдан иборат эди. Бунинг учун эса катта, қулай бино керак эди. Шундай бино теда топилиди. "Енгилмас полк" жамоаси бу катта маҳобатли уй эгаси бўлган оломонни ҳайдаб чиқариши зарур эди. Ўша полкнинг бош нейрхирурги Асқар Муртолибов бу уйга кириб борганида хонадон эгасининг бирдан чеҳраси очилиб ўзбек тилида "Сизлар ўзбексизлар-а?" деди. —Ха, — деди врач.

Шу пайтнинг ўзида оломон кишини буюқ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг газалларини ўзбек тилида мароқ билан ўқий бошлади. Устма-уст операциялардан қаттиқ чарчаган шифокор яйраб кетди. Ҳамма чарчоқлари эсидан чиқди. У сана шу суронли уруш йилларида ҳаммаси бўлиб 350 та ярдор аскарнинг бош миёнасида оғир операция муолажасини ўтказиб, роса толиққан эди. Асқар Муртолибов газалзон оломоннинг уйи хоналарини бирма-бир қараб чиқди. Уйнинг катта бир этади сўхбатдошимиз. —"Хотираларингиздан сўзлаб беринг", десак, чуқур ҳўрсиниб, "Уруш ўз номи билан уруш, болаларим. Жанг майдонларидеги даҳшатларни эслагим ҳам келмайди", дерди. Аммо бир воқеани айтиб берганини кечагидек ёйдим.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА.

лардан келиб табриқлашди. Юртбошимиз Фармони билан ҳар йили катта миқдорда пул муқофотини оляпимиз. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз. Илоҳим, дунёда тинчлик барқарор бўлсин, халқимизнинг rischi бутун бўлсин. Шимолӣ-Ғарбий ҳарбий округи қўмондонлиги жамоатилик вакиллари билан Самандар бобонинг хонадонига келиб, уруш қатнашчиларига совға-саломлар топширди. Президентимизнинг 2021 йил 20 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 12 миллион сўм миқдордаги бир марталик пул муқофоти тантанали топширилаётир. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан уруш қатнашчиларининг яшаш шароитлари ўрганилиб, зарур ҳолларда уй-жойларини таъмирлаш, тиббий-ижтимоий ёрдм кўрсатиш тадбирлари амалга ошириляпти. Шунингдек, фронтти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида халок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларни ходимларининг оила аъзоларига моддий ҳамда маънавий ёрдм қўрсатилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА

Китоб-альбоми тақдироти пойтэхтиимиздаги Галаба боғида ўтказилди

Мазкур китоб "Ўзбекистон наشريёти" давлат корхонаси томонидан Фанлар академияси хузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ ҳамда бир қатор назарий ва идоралар билан ҳамкорликда халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган галабага қўшган муносиб ҳиссасини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, унга доир янги ҳужжатлар билан таништириш мақсадида чоп қилинди.

Тўплам "Галаба боғи — Хотира ва қадр маскани", "Мангу жасорат" монументи", "Шон-шараф" давлат музейи", "Халқимизнинг жасорати ва матонатини ҳақида хикоя қилувчи янги асарлар", "Янги архив ҳужжатлари", "Аскар хатлари", "Унутмас сизларни Ватан" каби бир қатор бўлимлардан иборат.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»)

КИТОБГА ҚАДАЛГАН ЎҚ

Шофирконлик донгдор фермер, Ўзбекистон Қахрамони Азим Латипов Иккинчи жаҳон урушидан сўз очилган заҳоти отасини эсплайди. Падари бузрукворни жуда босиқ, сермулоҳаза, уруш кўрган одам эди.

— Отам Шўкур Латипов 1938 йилда Фаргона ҳарбий билим юртида ўқиб, офицер сифатида хизматга йўл олган, — дейди Азим ака. — 1941 йилда уруш бошланди, хизмат бурчини ўтаб турган жойидан фронтга жўнаб кетади. Катта лейтенат Ш. Латиповга ана юртга қайтиш насиб этди. Уйлаиб, турмуш ўртоғи Фотима ая билан беш ўғил, икки қизни тарбиялаб, эл қаторига қўшди. — Раҳматли отам урушдан сўз очилса, маънос тортиб қоларди, — дея давом

якши ҳамроҳ эди. Уйимиздан хат келишини ортиқча кутган каби янги китобларга ҳам интиқ бўлардик. Бир сафар оқоғда китоб ўқиб турганимда кўзим ногаҳон қоронғилиши кетгандай, қўлимга бироз зарб билан ургандай туюлди. Дарҳол пайқадим — дайди ўқ.

Дайди ўқ деганлари не-не жангчиларнинг ўлимига сабабчи бўлган, дейсиз. Аммо омадим бор экан. Ўқ шундоқ кўзим яқиндан ўтиб, мен мутолага қилиб турган китобга қадалибди. Қарасам, китоб varaқлари илма-тешик. Бир ўлимдан қолганим учун Аллоҳга шўкр қилдим. Китобни қўзларимга суртдим. Китобдан илоҳий нур таралади, дейишлари бежиз эмас экан. Балки ундаги илоҳий куч келган балога балоғардон бўлгандир. Шу-шу китобга илхосим ўн чандон ошди. Сизларга ҳам "Китоб ўқинлар. Уни асраб-авайланлар", дея бот-бот такрорлашм боиси шу".

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)



Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

# «ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИ БИРЛАШТИРМОҚДА»

Латвиянинг "Открытый город" ("Очиг шаҳар") етакчи ҳафталик журналида шу сарлавҳа остида мақола chop этилди.

## Биз ва жаҳон

А. Веселов муаллифлигидаги мазкур материалда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида дўстлик, янги қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ҳамда мустақамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар бугунги кунда минтақада катта ижобий ўзгаришларга туртки бераётгани ҳақида сўз боради.

Муаллиф Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакат атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик камарини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ташқи сиёсат ўз самарасини бераётганини тасдиқлайди.

Бундай сиёсатнинг ёрқин мисоли сифатида 2021 йил 2 февраль кuni Тошкентда Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистоннинг юқори мартабали делегациялари иштирокида Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт алоқалари бўйича уч томонлама музокаралар бўлиб ўтгани ҳақида учрашув якунида Мозир Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини барпо этиш бўйича кўшма ҳаракатлар режаси имзоланганини кайд этади. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши Марказий Осиё олдида турган стратегик вазидалардан бири — Ҳинд океани, хусусан, Покистоннинг Карачи, Касем ва Гвадар портларига чиқиш имконини беради.

Мақолада Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари юксак самара бераётганига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, унда таъкидланганидек, Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини чакириш бўйича муҳим ҳалқаро ташаббусни илғари сурди. Бу ташаббус халқаро миқёсда кенг эътирофга сазовор бўлди ва минтақанинг барча давлатлари етакчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ана шундай шаклдаги биринчи учрашув 2018 йил Ос-

тона (ҳозирги Нур-Султон) шаҳрида бўлиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Иккинчи маслаҳат саммити эса 2019 йил 29 ноябрь кuni Тошкентда ўтказилди. Ушбу тadbир якунлари бўйича Маслаҳат учрашуви қатнашчиларининг тарихий аҳамиятга эга Кўшма баёноти қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг кўшини мамлакатлар билан муносабатларида юртдан янгиҳа очик сиёсати тўғрисида минтақада ижобий сиёсий муҳит шаклланди, дўстлик ва ўзаро манфаатга асосланган муносабатлар мустақамлашиб, ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сўнгги йилларда эришилган сиёсий ишонч ва яхши қўшничилик муносабатлари минтақанинг бугунги тарихида ижобий босқични ифодаламоқда", дейилади мақолада.

Дарҳақиқат, минтақадаги ижобий ўзгаришлар кўшини мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, саноат-ишлаб чиқариш алоқалари жадал тус олганида ҳам намоён бўлмоқда.

Мақолада қайд қилинганидек, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг яхшила-ниши бутун минтақанинг инвестициявий ҳозирлашларини охиришига хизмат қилди. Хусусан, 2017 йилдан 2020 йилга қадар Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасида қарийб 75 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда 300 дан ортиқ битим ва шартномалар, келишувлар имзоланди.

А. Веселов ўз материаллида Ўзбекистоннинг яхши қўшничилик сиёсати Афғонистон билан алоқаларни мустақамлашда ҳам яққол намоён бўлаётганига ургу берган.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати Марказий Осиёда барқарор ривожланиш истиқболлари қўшни Афғонистонда тинчликка эришилш билан чамбарчас боғлиқлигини аниқлаш асосланди", дейди муаллиф.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

# МАҚСАД — ОДАМЛАР РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ

Аввал хабар қилинганидек, айни пайтда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда. Самимий мулоқотлар жараёнида одамларни кийнаб келаётган турли масалалар таҳлил этилиб, уларга ечимлар топиш чоралари кўриляпти. Мақсад эса битта — одамларни рози қилиш.

## Сенатор ва ҳаёт

### Янгиҳаётда нима гаплар?

Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмухамедованинг Янгиҳаёт тумани ҳокимлигида ўтказилган учрашувида халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари ҳамда янги тузилган "Халқпарвар" комиссия аъзолари, ташкилотлар вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирок этиди.

Учрашувда маҳаллабай ишлаш тизимини яқинлаштириш, тўсиқ бўлаётган омиллар ва уларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан масъулларнинг ах-

борот тингланди. Шунингдек, "ёшлар дафтари", "аёллар дафтари" йўналишидаги сайй-ҳаракатлар, ёшларни касб-хунарга ўқитиш ва иш билан таъминлаш ҳамда тadbиркорлик кўниқмаларини ошириш бўйича тумандаги кўрсаткичлар таҳлил этилиб, зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Шу билан бира, "Халқпарвар" комиссия аъзолари томонидан қисқа муддатда қилинган ишлар бўйича маълумот берилиб, келгусидаги режалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Яқинда сенатор томонидан туман молия бўлими, бандликка кўмаклашиш маркази, тибиёт бирлашмаси, ёшлар ва хотин-қизлар бўйича масъулларига ҳамда маҳалла фаолларига ҳамкорликда тизимли иш олиб

бориш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

### Ички йўлларга эътибор қаратилмоқда

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Абдуғани Сангинов Сурхондарё вилоятининг Узун тумани аҳолиси билан учрашганда аҳоли томонидан бир қатор муаммолар кўтарилган эди. Улар орасида маҳаллалардаги ички йўлларни таъмирлаш масаласи асосий муаммолардан бири сифатида кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, сенатор айни чоғда ўз сайловчилари ҳузурига бўлиб, уларни кийнаётган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўраётди. Жумладан, ички йўлларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, сенатор ташаббуси билан маҳалла фуқаролар йиғинларининг ички йўлларини таъмирлаш мақсадида шу йилнинг 3-4 май кунлари Узун туманининг "Узунқишлоқ" маҳал-

ла фуқаролар йиғини ҳудудидаги И. Каримов кўчасига шағал тош ётқизилди.

Сенат аъзоси аҳолининг бошқа муҳомаатларини ҳам ўрганиш доирасида уларни ижобий ҳал этиш юзасидан масъуллар билан учрашиб, тегишли тартибда ёрдам бериш масалаларини кўриб чиқайтир.

### Арзон уй-жой билан таъминлаш масаласи — муҳомада марказида

Анджон вилоятининг Қўрғонтепа тумани ҳокимлигида Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшан Алимов иштирокида ўтказилган йиғилишда парламент юқори палатасининг яқинда бўлиб ўтган ўн тўртинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар ҳам таҳлил қилинди. Тадбирда Жалақудуқ, Ҳўжаобод,

Марҳамат, Булоқбоши, Қўрғонтепа туманлари ва Ҳонобод шаҳар Кенгашлари котибият мудирилари, шунингдек, "Халқпарвар" комиссия раислари иштирок этиди.

Йиғилишда маҳаллий бюджет тақсимоти, аҳолининг кам таъминланган қатлами арзон уй-жой билан таъминлаш, йўл қурилиши масалаларига эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилган ишлар муҳомада қилинди, масъул ташкилотлар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди. Хусусан, даромади паст, уй-жой шартининг яхшилашга муҳтож оидаларга дастлабки бадалнинг бир қисмини субсидия сифатида тўлаб бериш, оғир турмуш шартининг таъминли қолган оидалар ва хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида давлат уй-жой фондидаги тураржойларга вақтинча жойлаштириш масалалари ҳам муҳомада марказида бўлди.

Уз навбатида, аҳоли вакиллари билан учрашув жараёнида аниқланган муаммолари масалаларини ҳал этиш юзасидан ҳам аниқ вазидалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

## Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳаси:

# ЁШЛАР ВА УЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

*Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини, яъни 55 фоизини ёшлар ташкил қилади. Уларни иш билан таъминлаш ва бу жараён билан боғлиқ меҳнат муносабатларини тартибга солиш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шундай экан, ҳозирги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқушга тайёрланаётган янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси лойиҳасининг ёшлар учун аҳамияти жуда катта.*

### Муносабат

Шу боис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти мазкур жараёнда ўз таклифлари билан фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, ёшлар иштирокида лойиҳанинг муҳомадалари бир неча бор ташкил этилди ва улар томонидан Меҳнат кодекси лойиҳасида белгиланаётган янги нормаларга оид бир неча муҳим таклифлар илгари сурилди.

томонидан 120 дан зиёд таклифлар, муҳомаатлар келиб тушган бўлиб, энг муҳим таклифлардан бири, яъни лойиҳанинг 4-моддасида мустақамлаш бўйича имтиёزلарнинг берилиши дискриминация ҳисобланмайдиган деган норма лойиҳага ўз аксини топди.

Бундан ташқари, лойиҳанинг 96-моддасида Меҳрибонлик уйлари билан битирувчиларига давлат қўшимча кафолатларни таъминлаш, деган таклифининг инобат олиниши, бугунги кунда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида жойлашган Меҳрибонлик уйлари тарбияланаётган ёшларнинг эътибордан четда қолмаётганлигини яна бир бор исботлади.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида

амалдаги кодексда бўлмаган иш билан таъминлаш жараёнларини рақамлаштириш, электрон меҳнат дафтарчаларини юритиш, меҳнат шартномаларини тузиш ва ягона маълумот базасида рўйхатдан ўтказиш каби механизмлар ҳам очиб берилмоқда. Бу ҳам бўлса аҳоли, жумладан, ёшларимизнинг вақтинги, маблагини тежашга, давлат хизматларини янада юқори даражада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шунингдек, Меҳнат кодексида кириб келаётган мослашувчан иш вақти, масофаий ишлаш каби янгиликлар ёшларга кенг имконият яратиб беришини алоҳида қайд этиш жоиз. Сабаби айнан шундай нормаларнинг йўқлиги натижасида аксарият йигит-қизлар, айниқса, талаба ёшларнинг тўлиқ иш ставкасида ёки меҳнат шартномаси тузилган ҳолда ишлаш имконияти йўқ эди. Эндиликда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаши, ҳам ўқишини давом эттириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муҳомада қилинаётган Меҳнат кодексининг қатор нормалари ёшлар учун меҳнат бозорига кенг имкониятлар яратилишига ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминлишига хизмат қилади.

Шахноза ЖОЛДАСОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси.

РЕКЛАМА ҲУНДА

## QISHLOQQURILISHBANK

# 9 МАЙ

Хотира ва Қадрлаш куни

### «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ жамоаси барча юртдошларимизни

## 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни билан самимий қутлайди!

Юртимиздан тинчлик, оилаларимиздан хотиржамлик, халқимиздан соғлиқ, дастурхонимиздан тўкинлик аримасин!

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

www.qqb.uz | 78 150 93 39 | 1254

Хизматлар лицензияланган.

## Халқ сўзи

### Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буортма Г — 548. 26 617 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанинг таҳрири ҳақидаги маълумотларни кўриб олиш учун 04-оқидини телефонниқ орали сканер қилинг.

Таҳририятга келган қўёғамалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан санқифланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифати чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.  
Муасхих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ҲА якуни — 21.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6